

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 38 (66267)
2000 йил 21 сентябрь, пайшанба

Сотувда эркин нархда

БОЛАЛАРНИ АСРАЙЛИК

Ўтган ҳафта, етти кун давомида Канаданинг Виннипег шаҳрида жаҳондаги турли хил урушлар таъсирида жабрланаётган болаларга бағишланган БМТнинг конференцияси бўлиб ўтди.

БМТнинг болаларни ҳимоя қилиш бўйича фонди ва ташкилоти ЮНИСЕФнинг берган маълумотига кўра, охириги 10 йил ичида урушлар натижасида 2 млн. дан ортиқ болалар қурбон бўлганлар. 15 млн. атрофида болалар қочқоңларга айланишган. Ҳозирги кунда эса 300 мингга яқин болалар 30 дан ортиқ ҳарбий зиддиятларда бевосита жанг олиб бормоқдалар. Конференцияда Канада ташқи ишлар вазири Ллойд Аксворзи нутқ сўзлади ва қуйидаги муҳим маълумотларни айтиб ўтди: «Бу конференцияни ташкил қилишдан биринчи ва асосий мақсад дунё болаларини урушдан сақлаш бўлса, яна бир мақсад Судан давлатининг болаларга ўтказаетган тазъийқига чек қўйиш, унга нисбатан жазо чораларини кўришдир».

Қилинган баёнотга кўра, Судандаги баъзи ёвуз кучлар минглаб Уганда болаларини ўғирлаб, уларни урушда қатнашишга мажбур этмоқда. Судан давлати қурол-яроғ сотиб олиш учун асосий маблағни эса ўз ҳудудидаги Канаданинг нефть компанияси даромадидан олмақда.



XX аср давомида бўлиб ўтган шунча урушлар, миллионлаб қурбонлар етмайдими?...


Дунёнинг турли нуқталарида уруш қилаётган ёвуз кучлар ўз қора ниётлари йўлида болаларни, гўдакларни ҳам аямаяптилар. Ахир болаларнинг гуноҳи нима? Етар, бас энди, эй жаҳон халқлари! Урушларга чек қўйинглар!

Ахир бу дунёга уруш қилиш учун, ер талашини учун, қон тўкиш учун ва ниҳоят бегуноҳ гўдакларни қириш учун келмагансиз-ку! Тинчликка нима етсин, гўдакларингизни урушдан асранг!

Шундай пайтларда, дунёдаги урушларга боқиб туриб, мустақил Ўзбекистонимиздаги тинчлик, осойишталик ва барқарорлик учун минг бора шукроналар айтсак арзийди.

ОҶУЛДУЗ К ГУЛ ЛОЛАДЕК

Меҳмон-меҳмон ўйнадик,
Мезбон-мезбон ўйнадик.
«Хуш келибсиз!» - деб кутдик,
«Хуш кўрдик!» деб гул тутдик.
Мезбон очса бағрини,
Хафа қилмай Баҳрини,
Воҳидни аразлатмай,
Ҳамидни айтиб атай,
Ясатиб, олиб ёнга,
Олиб бордик меҳмонга.
Уялтирмай юзимиз,
Ерга қормай ўзимиз,
Ҳар ёнга солмай ўзин,
Эшитиб катта сўзин,
Улар сипо бўлишди,
Ҳаё билан кулишди.
«Олинг-олинг», - деб мезбон,
Бўлиб ширин сўз, забон
Дилда бир ниёт, - дея,
Дийдор ганимат, - дея,
Сўради аҳволимиз,
Кечамиз, иқболимиз.
Ойижонлар ёнида,



Бувижонлар ёнида,
Бизлар бориб меҳмонга,
Хуш кўриниб мезбонга,
Таҷрибалар олибмиз,
Катта бўлиб қолибмиз.
Сиздан угина, биздан... -
Деб мезбон бўлдик биз ҳам.
Дастурхонни тузаб соз,
Соч тараб, қилиб пардоз,
Уларни кучоқ очиб,

Кутиб олдик нур сочиб.
Секин сўзлаб, секин еб,
Зерикмадик шу куни.
Ҳатто биздан беркиниб,
Олди Шарик шу куни.
- Бу ким? - деб вовулламай,
Ортиқча бобилламай.
Бирга сувратга тушдик,
Очилиб гул лоладай...

Умида



Таълим соҳасида фаолият кўрсатётган инсонлар аввало ўқувчиларнинг тарбиясига эътиборли бўлишлари лозим. Чунки бизга яхши мутахассис билан бирга яхши инсон керак. Келажагимиз ақлли авлодлар қўлида бўлишини хоҳлайман. Бизнинг

вилоятимизда жами 532та мактаб бўлиб, улардан 28таси лицей ва 12таси гимназия тасарруфини олган. Уларда 11000дан зиёд иқтидорли ўқувчиларимиз таълим олмақдалар. Мактаблардаги жами ўқувчиларимиз 324058 нафарни ташкил қилади. Биз ўқувчиларимиз билан фахрланамиз. Чунки улар Олий ўқув юртларига тест ва имтиҳонларни муваффақиятли топшириб, республика миқёсида юқори натижаларни қўлга киритиб, талабалик имтиёзига эга бўляптилар. Билимдон фарзандларимиз Республика фан олимпиадаларида фахрли 3-ўринни эгалламоқдалар. Ўтган йили биринчиликни қўлга киритган тўрт нафар ўқувчиларимиз ўзлари хоҳлаган Олий ўқув юртларига имти-

ҳонсиз қабул қилиндилар. Талайгина чет элларда таҳсил олаётган ўқувчиларимиз ҳам бор. Бугунги кунда тўрт нафар ўқувчиларимиз Америка, Германия ва Франция мамлакатларида сабоқ олмақдалар. Биз асосан билим самарадорлигини оширишга ҳаракат қилмоқдамиз. Давлат стандартлари асосида мониторинг хоналарини ташкил қилганмиз. Уларда таълимнинг таҳлилий материаллари ўрин

эътибор фарзандларимизнинг баркамоллиги йўлига қаратилган. Мустақиллик байрамига соғва тариқасида Кўшкўпир туманидаги 240 ўринга мўлжалланган янги мактабни тантанали очдик. Яна бешта янги мактаб қурилиб тугалланиш арафасида.

Вилоятимиздаги ўқувчилар «Тонг юлдузи» газетасини мунтазам кузатиб борадилар. Ҳар бир мақолаю шеърларни, эртагу ҳикояларни, бошқотирма ва сабоқларни диққат билан мутолаа қиладилар. Сўнги вақтда газетага обуна сони тушиб кетганлиги ҳаммамизни хавотирга солади. Бироқ мен бунинг олдини олишга қўлимдан келганча ҳаракат қилмоқдаман. Бу йил газета обунасини юқори поғонага кўтариш, фарзандларимизнинг қўлларига етказишни мақсад қилдим. Токи ўқимишли газета ўз ўқувчилари даврасида бўлиб, дуру гавҳарларидан баҳраманд қилсин.

Хоразм вилояти Халқ таълими бошқармасининг мактаблар бўлими бошлиғи Икромжон оға ЮНУСОВ сўзларини Муҳаррама ПИРМАТОВА ёзиб олди.

«Тонг юлдузи» газетасига обуна бўлдингизми?



Бизлар тарбияси тешивор вазирлар олган. Биз таълимни халқаро ташкилотлардан «Қизил Ҳож», «Акселс», «Оперейшн Мерси» билан ҳамкорликда олиб боришни йўлга қўйганмиз. Ҳамма



САММИЯТ

Мен софдил, кўнгли очик, юраги тоза, чехрасидан нур ёгилиб турадиган покдомон кишиларни жуда яхши кўраман. Шундай кишилар бўладики, кўриниши башанг, бўйи-басти расо, муомиласи сертавозе, аммо тўғриси айтиш керак, сирти силлиқ бундай кишиларнинг энг катта нуқсонлари буларнинг қалбидир.

Иккинчи тоифали одамлар бўладики, кўриниши содда, камсукум, гап сўзлари дагалроқ. Мен шу самимий кишиларни энг ажойиб инсонлар дегим келади. Чунки бундай кишиларнинг ташқи кўриниши бироз тўпори, дагалроқ бўлса-да, ички олами ниҳоятда тоза ва одамий хислатларга бойдир. Хуллас, мен одамларда ёқтирадиган фазилат уларни юз кўзларида уфуриб турадиган самимиятдир...

Азиза ҚОРАБОЕВА,
Саъватшунос-журналист
бўлимнинг 1-курс
талабаси

Таҳририятдан:
Сиз учун қайси фазилат бир-
ламчи?
Хатларингизни кутамиз.

Оналар ёзади

Ёшлигимда дадам раҳматли ўтмишдан ҳикоя қилиб берардилар. Яъни, буважоним кучли табиб бўлиб, кўплаб инсонларга қайта ҳаёт баҳшида этган эканлар. Жуда катта кутубхоналари бўлган экан. Катта-ю кичик ана шу кутубхонадан бемалол фойдаланаркан. Кунлардан бир куни бу нарса кимларгадир ёқмай қолибди. Ва бобожонимнинг уйларини тинтув қилишибди. Қоп-қоп китобларни кечаси анҳорга оқизишибди. Шундан сўнг, буважоним оғриб қолиб, тез орада қазо қилибдилар.

Дадам бу гапларни айтар эканлар, сен

КўРСАТУВ БАҲОНИ

она қизимсан, дея қуръон сура-ларидан ёдлатар, эски араб ёзувларини ўргатардилар. Мен эса йиғлар, ўрганишни сира хоҳламасдим.

Шунда дадам бир ёруғ кунларда барча мусурмонлар Маккаи-Мунавварага бориб, Хожи бўлиб келади, дердилар.

Бугун дадамнинг гаплари ўз исботини топаяпти. Қанийди, улар ҳам шу бугунги кунимизни кўрганларида, деб армон қиламан.

Мен тарбиячилик касбини севиб, боғчада ишладим. Ўзим ҳали 18-19 ёшларда эдим. Боғчадаги рус ва русий забон болаларининг бийронлиги, фикрининг тиниқлигига ҳавас қилардим. Нега бизнинг болаларимиз ҳатто ўз фикрини мустақил ифодалай олмайди, дея хафа бўлардим. Ўзбек тилида китоблар, қўлланмалар деярли йўқ эди.

Энди-чи, ҳамма нарса ўзгарди. Бугунги кунда ўзбек болалари дунёнинг барча бурчақларида таҳсил олаяпти.

Болаларимизнинг фикри теран, ниятлари буюк. Биргина «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?» кўрсатувини олайлик. Унда болажонлар, ўспирин йигит қизлар ўз фикрларини эркин, бийрон айта олишларини кўргангизда қалбингиз завқланмай иложи йўқ. Шунда беихтиёр «устозингга балли» деб юборганингни билмай қоласан.

Мен миллатчи эмасман. Бошқа миллатлардан кўплаб ёру-дўстларим бор. Бироқ, ўзбегим болаларини юксак чўққиларда кўргим келади. Дадамнинг хаёлан кўз олдиларига келтирган ҳаётни мен ва менинг фарзандларим кўраётганидан хурсанд бўламан.

Қани энди шу кўрсатув оддий мактабларга, боғчаларга кириб борса. Сиёсий, ҳуқуқий билимлар ҳар бир хонадоннинг ошу- нонига айланса дейман.

Мен бир она ва аёл ўқитувчи сифатида бу кўрсатувни ҳар бир бола севиб томоша қилишини ва ўзи ҳам унда иштирок этишини хоҳлардим.

Рафиқа ЮНУСОВА,
ўқитувчи-психолог.

ОБУНА БЎЛГАНДИК, АММО...

Биз Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги Маннон Уйғур номли 22-мактабнинг 8-синфида ўқиймиз. «Тонг юлдузи» республикамиздаги барча тенгдошларимиз қатори бизнинг ҳам сеvimли газетамиздир. Шунинг учун ҳам бу нашрга бир неча бора обуна бўлдик. Лекин минг афсуски, олти ой давомида газетанинг бор-йўғи 3 та сони қўлимизга тегди. Бошқа сонларини эса газета дўконларидан сотиб олиб, ўқишга мажбур бўлдик. Бундан кейин қандай йўл тутайлик? Газетага обуна бўлаликми ёки ҳар сонини дўконлардан сотиб олиб ўқисакмикан-а?

**Мухлиса
МУҲИДДИНОВА.**

ЎҚУВЧИМИ, ЁКИ...

Ўқувчилар қалбларда ҳаяжон билан ўз қадрдон мактаблари томон ошиқаяптилар. Бироқ... Ана шу «бирок» бизни ўйлантирмақда.

Тонг шаҳар кўчада кетаётган мактаб ўқувчиларига кўзингиз тушган бўлса ажаб эмас. Бир қарашда уларни мактаб ўқувчилари деб айтишга иккиланасиз.

Чунки улар ўз билганларидан қолмай, хоҳлаган кийимларини кийиб мактабга қатнайвердилар. Бу эса атрофдаги мактабдошларига таъсир қилмай иложи йўқ.

Яна бир гуруҳ йигит- қизларга разм солсангиз, бир хил кийимда яшнаб бораётганини кўришингиз мумкин. Беихтиёр кўзингиз яшнайдди, дилингиз қувнайди. Ўзингизнинг ўқувчилик йилларингиз кўз олдингизга келади.

Назаримда ўқувчиларнинг кийиниши уларнинг маънавиятига боғлиқ деб ўйлайман. Ўзини ва атрофдагиларни ҳурмат қилган ўқувчи ўзига ярашган, бежирим мактаб формаси билан ўқишга қатнайди.

Барно ХОЛТЎРАЕВА,
Қашқадарё вилояти,
Ғузор тумани.

Бир мактабдан икки мактуб

ШОИРА БЎЛМОҚЧИМАН

Қадрли газетам! Мен сенинг ҳар бир сонингни мунтазам кўзатиб бораман. Эълон қилинаётган мақола ва шеърлар мазмуни билан ўзига сеҳрлаб олади. Айниқса, ёш мухбир ва шoirларнинг асарларини ўқиганимда уларга ҳавасим келади. Менинг ҳам шеърларим чоп этилишини орзу қиламан. Ўзим анчадан буён шеърлар машқ қиламан. Устозим Мунаввара Пирматова менга назмининг сир-синаотларидан ўргатаптилар. Ҳозир қаламим анча чарқланган. Энди тортинмай матбуотга йўллашим мумкин. Таҳририят ходимлари ўз фикрларини билдириб, шеърларимни эълон қилишса, бошим кўкка етарди.

ЮРАК СЎРАЙМАН

Осмонда кўёш ярақлаганда,
Кўзимда чўғ-оташ чарақлаганда.
Кенг дунё тор бўлиб кетар мен учун,
Кўзларинг ўзгага оҳ, боққанида!

Қанийди, истагим бажо бўлсайди,
Армонли орзулар рўёб бўлсайди.
Юрагим четидан узилган парча,
Яна ўз жойига қайтиб келсайди.


Севгининг бу қадар мўътабарлигин,
Аччиқ-чучуклигин Сен билармидинг?
Бир чети узилган юрак ўрнига,
Айтчи, ўз юрагинг беролармидинг?..

Гулиногор ШАМСУДДИНОВА,
Андижон шаҳридаги 4-мактабнинг
9-синф ўқувчиси.

ЧИН ДУГОНАЛАРМИЗ

Синфимизга ҳатто ўқитувчиларнинг ҳам ҳаваси келади. Барча синфдошлар ўзаро аҳил ва иноқ. Айниқса, ўқишларида оқсайдиган дўстларимизга кўлимиздан келганча ёрдам берамиз. Улар ўз навбатида миннатдорчилик билдирадилар. Бошланғич синфда таҳсил олаётган давримиздаёқ биринчи устозимиз бизга меҳр-оқибат ҳақида ривоятлар, ҳикоялар, эртақлар сўзлаб берардилар. Шу сабабданми, билмадим бир-биримизга кўмаклашишни ўзимизнинг бурчимиз деб биламиз. Яқинда мен ва дугоналарим Дурдона Отақўзиева ва Махсума Тўраевалар биргаликда ойижонларимизга сабзавотларни қовуриб консервалаш ишларида кўмаклашдик. Ҳар биримиз ўзимизга вазифа бўлишиб олиб, оналаримиз мушкулларини анча енгиллаштирдик. Шундай қилиб, учта оилага фойдамиз тегди. Дадаларимиз ҳам биздан хурсанд. Бироқ, бизнинг фаолиятимиз шу билангина чекланиб қолмайди. Қизлар билиши лозим бўлган барча хунарларни ўрганиямиз.

Малика ЁҚУБОВА,
7-синф ўқувчиси.



ТАРИХ - БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ

Бизнинг бор-йўгимиз, борлигимиз, борлигимиз - улкан ва бебаҳо бойлигимиз! Тарихсиз келажак йўқ, деган доно иборада ҳам қанчалик ҳаққонийлик бор! Чунки халқимиз тарихи, унинг босиб ўтган тарихий йўли улғувор: зафарлик (Амир Темурни эслайлик!), укубатлик (Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Фитрат, Беҳудийларни эслайлик!) ва ушбу шуқуҳли кунлар ибтидоси (Мустақиллик!) кунларини унутиб бўларканми? Ҳеч қачон!

УСТОЗ ЎЗБЕКНИНГ НАВОЙСЫ

Сиз Ойбекнинг "Навой" романини ўқиганмисиз? Ҳали ўқиганимча йўқ, дейсизми? Наҳотки? Эҳ, у жуда зўр асар! Қайта-қайта ўқиб, фахрлан-сак арзугулик - дунёга кўз-кўз қилгулик роман! Маслаҳатим: уни албатта топиб, ўқиб чиқинг!

Биласизми, "Навой" романи ҳақида адабиётшунос олим Наим Карим нима деган? Билмасангиз, билиб олинг: "Алишер Навоидан кейин кечган беш аср ичида буюк ўзбек шоири ҳақида Ойбекдек роман ёзиш ҳуқуқини қозонган бошқа бирорта ёзувчи бўлмаса керак. Эҳтимол, парвардигор Навоийни - бу буюк даҳони орадан беш юз йил ўтгач, янгитдан кашф этиб, ўзбек халқига ва умумжаҳон маданиятига барҳаёт инсондек қайтариш учун Ойбекни ижод этгандир", деганида тамомила ҳақ эди! Ана энди билиб олдингизми.

Ойбек ушбу романини ҳаводан олиб ёзмаган. Аввал тарихий асарлардан, қадимий кўлёмалардан Навоий бобомиз ҳаётларини пухта ўрганиб, кейин бир неча йиллик тайёргаликдан сўнг, романга кўл урганлар, ҳа! Ойбек уй-музейида, - деб ёзади Наим Каримов, - "Навоий ҳақидаги илмий ишларга тайёргарлик", "Шарқ ҳаётига ва адабиётига оид тадқиқотлар устидаги иш" деб сарлавҳаланган бир неча дафтар сақланади. Агар бу дафтарларни варақласангиз, ёш Ойбекнинг "Зафарнома" (Яздий), "Рашаҳот айн ул-ҳаёт" (Кошифий), "Нусхат ут-толибин" (Мухаммад Толиб) сингари адабий-бадиий ва эссе тарзидаги асарлардан тортиб, ибн Батута, Клавиҳо, Абдураззоқ Самарқандий, Восифий, Мир-



хонд, Бобур, Хондамир каби олим ва сайёҳларнинг илмий-тарихий асарлари ва кундаликлариға қадар бўлган улкан адабиётни кўз юмган, армонда кетган ёзувчи ва шоирларимизнинг асарлари ёруғлик юзини кўрди. Тарихий асарлар ўзбекнинг ўзлигини ёш қалбларға сингдиришға хизмат қиладу сизу бизнинг қалбимизға. Азиз дўстим! Сиз мен келтириб ўтган китобларни топиб, ўқиб мағзини чақинг! Кам бўлмайсиз! Мени айтди, дерсиз... Сиз ҳам истиқлолнинг маънавий эпкинларидан баҳраманд бўлинг, дейман-да, дўстим!

ҚАНДИНГИ УР, ЁТТИ!

Ўтган йили "Алпомиш" достонининг 1000 йиллигини кенг кўламда нишонладик. Ундан бир йил аввал эса буюк соҳибқиронимиз Амир Темурнинг 660 йиллигини фахрланиб тантанан қилган эдик. Келаси - XXI бошида эса Ҳазрат Мир Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигини нишонлаймиз. Лекин гап тантаналару юбилейлар ҳақида эмас. Мени "Алпомиш"нинг Ватанимизға кўкрак кериб қайтиб келаятганлиги қувонтиради! Эҳ, "ЁТТИ"нинг нимаси, дейсизми? Ҳа, уми? У - пойтахтимиздаги Йўлдош Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театри-да! Яқинда ушбу театрнинг 71-мавсуми бошланди. Мавсум очилишиға бизни ҳам тақлиф қилишди. Мавсум эса... "Алпомиш" достони асосида саҳналаштирилган "Оға-ини ёд бўлса..." спектакли билан очилди. Миллатимиз гурури бўлган дoston билан! "Қандинги ур!" деганимнинг боиси ҳам ана шунда.

Спектакл кўрса кўргулик - болажон спектакл! Пантомимо ва мим (имоишора)ларға бой. Театр жамоаси Соғлом авлод йилида тарихий мавзунини саҳнаға олиб чиқиб зўр иш қилибди. Барақалла, офарин ва ҳ.к! Беш кетдик, "олти" баҳо қўйдик.

БИР БОР ЭКАҲ, БИР ЙЎҚ ЭКАҲ...

Спектакл ана шу жумла билан бошланди. Худди эртақлардек. Тўғрида, ахир "Алпомиш" ҳам афсона-ку! Авлиёқул Хўжақулиев томонидан саҳнаға қўйилган ушбу спектакл матнини Нозим Тўлахўжаев ёзибдилар. Лекин негадир театр эълонномасида



ТАРИХИНГДИР МИНГ АСРЛАР...

Ҳа, сенинг тарихинг улкан ва бебаҳо, эй менинг келажиги буюк Ватаним. Сенинг армонларинг тарих қатраларида яширин эди. Шукроналар бўлсинким, улар ушалмоқда. Халқим деб, юртим деб жасорат майдонида захмат кечганлар ва шундай шуқуҳли кунларға етиб келолмаганлар ҳаққи, сенинг тарихингни унутмаймиз! Истиқлол эпкинлари варақлаётган саҳифаларингни кўзларимизға суртиб-суртиб ўқигаимиз. Фақат улар кўпроқ нашр қилинсайди! Арзонроқ чиқарилсайди!.. Айниқса - лотин алифбосида! Умид қиламизки, ушбу ишға масъул китоб идоралари бу ҳақда пухта ўйлаб кўришади. Бу эзгу ишда уларға Навоий бобомиз руҳлари мададкор бўлсин!

Ўзбекнинг ўзлиги - унинг маънавиятида. Юртбошимиз ҳам: "Биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. Комил инсон деганда биз аввало онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларға ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунаимиз", деганлари бежиз эмас. Буни катталар ҳеч қачон унутмасликлари лозим!

Сардор ЖОНСАРАК

Aziz bolajonlar! Mana siz lotin yozuviga asoslangan o'zbek alifbosida o'qib-o'rganmoqdasiz. Harflarni husnixatda yozib, bu alifboda she'rlar ham yozmoqdasiz. Siz bir narsadan xafa edingiz - bu alifboda nega biz uchun kitoblar kam deb? Mana, Siz uchun qayg'urgan G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti Usmon Qo'chqorning «Shiroq» hamda Sa'dulla Hakimning «Ona so'z» nomli kitoblarini chop etdi.

«Shiroq» afsonasini yaxshi bilasiz, nasriy yo'l bilan yozilgan. Shoir Usmon akangiz esa uni she'rga aylantiribdi. Shiroqning o'q'li bilan vidolashuvi naqadar ta'sirchan, go'yo bu so'zni Vatan ham sizga so'zlamogda, qani eshiting-chi! G'asi yo'q yetimmas.

SHAXSIY KITOBLAR QATORIGA

Yatani yo'q yetimdir.

Hamma narsa topilgay.

Faqat Vatan topilmas.

Mute bo'lsa Vatanung.

G'anim yurtida bo'lsa bosh.

Boshingga ming musht urib.

Bergavdir bir vutim osh.

Istiqlol shabadası esib turgan mustaqil yurtimizni g'animlardan asramog'imiz to'zim, shunda shoir yozganidek: «Tulpor minib, ot solib.

Adirlarda ayqirib,

Tog'lar oshib damodam,

Qushday uchib yurarsan,

O'zib uchqur shamoldan».

Albatta she'riy bu rivoyatdan parcha yodlasangiz, sinfdan tashqari o'qish darslarida sizga asqotadi. Kitobcha muqovasidagi tulpor mingan yigitlar orangizda ko'payishini istaymiz,

qo'lingiz yarog' emas, kitob ushasin.

«Ona so'z» kitobi ham «Maktab kutubxonasi» seriyasida chop etilgan.

Kitobdagi rang-barang mavzudagi go'zal she'rlar Sizga manzur bo'ladi.

Ayniqsa, shoir ona tiliga go'zal tashbehar topganki, dilingiz yayraydi:

Qizlaridek iffatli tilim.

Qardoshiga izzatli tilim.

Tilim, tilim va yana tilim.

Ona tilim.

Ulus tilim, elat, xalq tilim.

Ulug' tilim, abad haq tilim.

Navoiyga zor ilhaq tilim.

Ona tilim.

Suluv qizlarjon, belboqli yigitchalar!

Milliy bosh kiyimimiz do'ppini unutmadingizmi? U nega aziz?

Ne-ne suluv chevarlar,

Mehri mujassam unda.

Muhabbatning ruhparvar.

Sehri mujassam unda.

Ne-ne onalar unga.

Ko'z nurini to'kkanlar.

Bolajonim kiysin deb.

Havas qilib tikkanlar.

Bilib olgan bo'lsangiz,

do'ppini boshingizdan

qo'ymay, g'ururlanib kiyib

yuring.

«O'zbeklar» she'ridan esa biz qanday xalq ekanimizni yanada yaxshiroq bilib olasiz:

Bir burda qora nonni,

Qorli sandal ustida

Ko'p bilan ko'rgan baham.




Sog'inmagan yomonlik,

Yetti vot zotlarga ham.

Bolajonlar, albatta bu kitoblarni o'qib chiqing, she'rlari haqida sevimli gazetangiz «Tong yulduzi»ga yozib yuboring.

Guluz BAHODIR qizi.





Ер шарида 200 дан ортиқ давлатлар мавжуд, ҳар бир давлат ўз байроғига эга. Байроқлар давлатнинг махсус қонуни ёки конституцияси асосида расмийлаштирилган бўлиб, унда акс этган ранглар, эмблемалар, белгилар тасвири шу давлатга хослигини англатади. Швейцария байроғидаги оқ рангхоч, Шриланка байроғида қилич ушлаган шер, Канада байроғида заранг дарахтининг япроғи каби.

Байроқлар давлатнинг рамзий белгиларидан бири сифатида шаклланиши узоқ тарихга эга. Японларнинг ўзлари ўз мамлакатларини қадимдан Ниппон (ёки Нихон, деб атайдилар. Бу ном икки иероглифча белгидан таркиб топган бўлиб, биринчиси куёш, иккинчиси эса асос деган маънони англатади. Шунинг учун ҳам Японияни "Куёш чиқадиган мамлакат" деб талқин қиладилар. Япониянинг байроғидаги Куёшнинг қизил гардиши куёш-

нинг балқиб чиқишини ифода этади.

Байроқлар халқларнинг мустақиллик учун кураши ва ғалабаси, улар тузган давлатнинг рамзи сифатида намоён бўлади. АҚШнинг федератив давлат тузуми мамлакатнинг давлат байроғида акс этган бўлиб, АҚШ байроғи мамлакат мустақиллиги эълон қилингандан сўнг 1776 йил тасдиқланган. Байроқнинг чап юқори бурчагида беш қиррали оқ юлдузчалар туширилган ҳаворанг тўғри бурчак жойлашган. Бундаги юлдузчалар сони

см.га тенг. Мовий, оқ ва яшил ранглар энининг кенлиги 40 см.дир. Қизил ҳошияли рангларнинг кенлиги 2,5 см.га тенг.

Байроқнинг юқори қисми Ўзбекистоннинг доим мовий осмонини англатади, Амир Темур давлатининг байроғи ҳам мовий рангда бўлган. Байроқ ўртасидаги оқ ранг халқимизнинг оқ кўнглини ва унинг оқ пахтасини, байроқнинг туб қисми эса бизнинг чексиз яшил далаларимиз ва табиатимизни ифода қилади...

Ҳозирги даврда байроқларнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Чунки, давлат байроғи давлат мустақамлигининг рамзи сифатида давлат раҳбари, ҳукумат, олий қонун чиқарувчи орган, давлат ташкилотлари, элчихоналар, консулликлар биноларида халқаро конференцияларда, халқаро ҳаво ва денгиз кемаларида ва бошқа вазиятларда кўтарилади. Бу эса давлатнинг юзи сифатида намоён бўлади.

БАЙРОҚЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

цияга кировчи штатлар сонига тўғри келади. Юлдузчалар штатлар сони ортиб боришига қараб кўпайиб боради. Байроқ матосининг ўзи 13 та оқ-қизил йўллардан иборат бўлиб, улар бир бутун бирлашган дастлабки 13 та штатнинг рамзий белгисидир.

Давлат байроғи - мустақил давлат ва унда яшовчи фуқаролар дахлсизлигининг шартли ифодасидир. Байроқ давлатнинг рамзий белгиларидан биридир.

Ўзбекистон байроғи тарихан қадимда мавжуд бўлган давлат билан боғлиқлигини англатади ҳамда мамлакатнинг миллий-маданий анъаналарини ўзида мужассамлаштиради.

Байроқнинг узунлиги 250 см, кенлиги 125

тайёрлашда кенг фойдаланилади. Скандинавия мамлакатлари ва Германияда энг машҳур денгиз маҳсулоти сельд балиғи, Ўрта денгиз бўйидаги мамлакатларида эса кальмар малюскаларидир. Японияда акулаларни, Французлар қисқичбақани, Хитойликлар илон балиқни, Россияда эса капчёнка қилинган сазан, Чили ва Перуда лаққа балиқни тансиқ таом сифатида истеъмол қилишар экан.

XXI асрнинг энг муҳим масалаларидан бири балиқларнинг қирилиб кетиши муаммоси кўндаланг

ташкилотлар бу муаммони ечиш учун астойдил фаолият олиб бормоқда, айниқса БМТнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ЮНЕП дастури мавжуд. Стокгольмда бўлиб ўтган халқаро конференцияда БМТнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ифлос нефть чиқиндиларини денгизга оқизишни таъқиқлаш дастурини ишлаб чиқди.

Ҳар йили Дунё океанига қазиб олиш, нефть ташиш ва қайта ишлаш натижасида 6 млн. тонна

бошқа дарёлар жуда ифлосланиб кетган дарёлар ҳисобланади. Дунё океани ҳам ифлосланиб боряпти, унинг тозалигига соҳиллардан ҳам, сув юзасидан ҳам, сув остида ҳам ифлословчилар хавф соляпти. Океанларга ҳар йили 100 млн. тоннагача чиқиндилар тушяпти. Бунда айниқса ички ва чеккадаги денгизлар Ўрта денгиз, Шимолий Ирландия, Болтиқ, Қора, Азов денгизлари, Япония, Ява, Кариб ички денгизлари, шунингдек, Бискайя, Форс, Мексика ва Гвиней қўлтиқлари айниқса кучли ифлосланган.

Сув ости вакиллари бўлмиш балиқлар хавф остида. Бизнинг давримизга келиб жамият билан табиатнинг ўзаро таъсири бутун инсониятнинг энг муҳим муаммоларидан бири бўлиб қолди. Биз бунга лоқайдлик билан қарамаслигимиз керак.

БАЛИҚЛАР ХАВФ ОСТИДА

бўлиб турибди.


Балиқларнинг қирилиб кетаётганлигининг асосий сабабларидан бири бу ифлос чиқиндиларни ташланиши ва шу билан бирга нефть қазиб олувчи давлатлар томонидан океан ва денгизларга нефтни оқизилиши бўлиб қолмоқда.

Норвегиялик машҳур олим ва сайёҳ Тур Хейерден 1947 йилда Тинч океани орқали сузганида ўз йўлида ҳеч қандай ифлословчи моддани кўрмаган. 1969 йилда эса у Атлантика океанини сузиб ўтганда океanning ҳатто ўрта қисмида 1400 млн. масофада сув юзасида нефть пардасини кўрганини, нефть ўткир ҳид тарқатиб ётганини ва у ердаги ҳаво жуда оғирлигини айтиб ўтади.


Ҳозирги кунда кўплаб халқаро

надан 16 млн. тоннагача нефть тушади. Космик расмлардан маълум бўлишича, дунё океанининг юзаси нефть пардаси билан қопланиб бормоқда.

Рейн, Дунай, Сена, Тибр, Миссисипи, Огайо, Волга, Днепр, Дон, Днестр, Нил, Ганга ва



Саҳифани
ТошДШИ талабаси
Шарофиддин РИСКУЛОВ
тайёрлади.



Инсониятнинг энг қадимги касб-корларидан бири балиқ овлашдир. Маълумотларга қараганда ҳозирги вақтда 15 млн. дан ортиқ киши балиқ овлаш билан шуғулланар экан. Дунёда йиллик овланадиган балиқ маҳсулоти 100 млн. тоннани ташкил этаркан.

Балиқ ва бошқа денгиз маҳсулотлари айниқса ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг истеъмолида катта ўрин тутади. Гарчи балиқ овлаш билан бутун дунёда шуғулланилса ҳам, жаҳонда тугилдиган балиқнинг кўп қисмини Япония, Хитой, Россия, АҚШ, Чили ва Перу мамлакатларига тенг келадигани йўқ экан. Дунёнинг турли регионларида яшовчи аҳоли денгиз маҳсулотларини турлича афзал кўради. АҚШда тунец жуда машҳур бўлиб, у турли таомлар

МУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛИБ МУРАДИ

Сиднейдаги олимпиада ўйинларининг очилиш маросимидан бир неча кун олдин 2 та кўнгилсиз воқеа бўлиб ўтди. Биринчиси, Сидней аэропортида заҳарли газнинг очик ҳавога тарқалишидир. Бунинг натижасида бир нечта киши заҳарланиб, тезда касалхонага ётқизилди. Иккинчиси, Сидней шаҳрининг жанубида жойлашган Киама шаҳрида бўлиб ўтди. Бу ерда ўрта ёшлардаги бир киши, машҳур атлетчи Том Керролнинг қўлидаги олимпиада машғаласини олиб қочди ва денгизга улоқтирмоқчи бўлди. Аммо, "зўравон" тезкор полиция ходимлари томонидан қўлга олинди. Олимпиада машғаласи Австралияга келтирилгандан бери машғала уч марта олиб қочилди.



ОЛИМПИАДА

Ўтган ҳафтада, яъни 15 сентябрь жума куни "Мангу яшил қитъа" бўлиш Австралиянинг Сидней шаҳрида олимпиада ўйинларининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Очилиш тантаналари Сиднейдаги энг катта стадионда ўтказилди. XX асрдаги сўнгги олимпиада ўйинларининг очилишини 300 мингдан

Ассалом Сидней-2000

ортиқ мухлислар шу стадионнинг ўзидан туриб томоша қилдилар. Шунингдек, очилиш тантаналарини ойнаи жаҳон орқали дунёнинг 3 миллиарддан ортиқ аҳолиси тўғридан-тўғри, завқланиб кўришга муяссар бўлди.


Сидней-2000 нинг очилиш маросими олимпиада ўйинлари тарихида энг ҳашаматлиси бўлди, тантанага миллиардлаб долларлар сарфланди.

Маросимда олимпиада машғаласини ёқиш бахти қора танли спортчи қизга насиб этди.

Сиднейдаги олимпиадада қатнашиш учун дунёнинг 200 та мамлакатидан спортчилар ташриф буюришди. Шу жумладан, мустақил Ўзбекистонимиздан ҳам 77 та спортчимиз қатнашмоқда. Олимпиада ўйинларида қутилмаган янгиликлардан бири, Жанубий ва Шимолий Кореядан келган спортчиларнинг битта давлат номи остида, яъни Корея давлати номи билан қатнашаётганлигидир, буни хушxabар деса ҳам бўлади.

ИТАЛИЯДАГИ САЙЁҲЛАР ҲАЛОҚАТИ

Италия жанубида рўй берган сув тошқини оқибатида бу ердаги олтита сайёҳ қурбон бўлди ва 10 га яқини бедарак йўқолди. Ҳалок бўлганларнинг кўпчилиги ногиронлар ва уларга қараб юривчи кўнгилчилардир. Кўнгилчиларнинг лагери соҳил бўйидаги Соверато ва Калабрия шаҳарлари яқинида жойлашган эди. Полициянинг маълумотига кўра, сув тошқини натижасида зарар кўрганларнинг сони 50 кишидан ошди.



SKATING OR SWIMMING ?

Mother :-Holida, what is Dilfuza doing ?

Holida :-Well, Dilfuza said that she will go to skating on the river, and now if the ice is thick, she is skating, but if the ice is thin, she is swimming.

Таржимаси :

СИРПАНЧИҚ УЧАЯПТИМИ ЁКИ ЧЎМИЛАЯПТИМИ ?

Onasi :-Холида, Дилфуза нима қилаяпти ?

Холида :-Дилфуза дарё устидаги музда сирпанчиқ учишга кетганди, агар муз қалин бўлса, у ҳозир сирпанчиқ учаяпти, аммо муз юпқа бўлса, у ҳозир чўмилаяпти.



ИНГЛИЗ ТИЛИ СЎЗ УЧУН ENGLISH FOR YOU

ИНГЛИЗ ТИЛИДА ЛАТИФАЛАР ANECDOTES IN ENGLISH

LITTLE BOBURJON AND HIS FRIEND DONIYOR

Doniyor :-Bobur your mother is a teacher, but you cannot write even a word.

Boburjon :-Your father is a dentist, but your little brother, which is one year old, has no teeth at all.

БОБУРЖОН ВА УНИНГ ДЎСТИ ДОНИЁР

Дониёр :-Бобур, сенинг онанг ўқитувчи, лекин сен биронта ҳам сўзни ёза олмайсан.

Бобуржон :-Сенинг отанг эса тиш доктори, аммо бир ёшдаги кичик укангнинг биронта ҳам тиши йўқ.



QUICK ANSWERED BOY

Gardener :-What are you doing up in that apple tree, young fellow ?

Hoshimjon :-One of your apples fell down, and I am trying to put it back.

Таржимаси :

ҲОЗИРЖАВОБ БОЛАКАЙ

Боббон:-Ҳой болакай, олма дарахтининг тепасида нима қилаяпсан?

Ҳошимжон:-Дарахтдаги олмаларингиздан биттаси пастга тушиб кетибди, мен ўша олмани жойига илиб қўймоқчиман.

MY MOTHER DOES NOT KNOW ENGLISH

Teacher:-Nargiza, why you always do your Uzbek exercises (homeworks) for excellent, but your English exercises for bad ?

Nargiza :-That is because my mother does not know English.

ОНАМ ИНГЛИЗ ТИЛИНИ БИЛМАЙДИЛАР

Ўқитувчи :-Наргиза, нега сен ўзбек тилидаги уй вазифаларингни аълога, инглиз тилидагиларини эса икки баҳога бажарасан ?

Наргиза :-Чунки онам инглиз тилини билмайдилар-да.

DOES THE FISH DRINK WATER ?

Father :-Olim, did you give fresh water to the fish this morning ?

Olim :-No daddy, they have not finished drinking the water which they got yesterday.

БАЛИҚ СУВ ИЧАДИМИ ?

Отаси :-Олим, бугун эрталаб балиқларнинг сувини янгиладингми?

Олим :-Йўқ дада, балиқлар ҳали кечаги сувини ичиб тугатмапти.

ЁДЛАШ УЧУН ЯНГИ СЎЗЛАР

- HORSE - ОТ.
- INJURE - ЗАРАР ЕТКАЗМОҚ, ЯРАЛАМОҚ.
- IMPROVE - ЯХШИЛАМОҚ.
- KINDERGARTEN - БОЛАЛАР БОҒЧАСИ.
- JOY - ҚУВОНЧ.
- GOALKEEPER - ДАРВОЗБОН (ФУТБОЛДА).
- PLATE - ЛИКОПЧА.
- RAILWAY - ТЕМИРЙЎЛ.
- QUEEN - ҚИРОЛИЧА.
- FUTURE - КЕЛАЖАК.
- CITIZEN - ФУҚАРО.
- BONFIRE - ГУЛҲАН.

Шоҳруҳ КАРИМБЕКОВ тайёрлади.
ТошДШИ талабаси.

Мана, мактаб парталарини беғубор болакайларнинг шодон қийқириқлари, илмга чанқоқ нигоҳлари тўлдириб турибди. Мустақил ва озод ватанимизнинг ҳар бир они Эрк, Озодлик, Хуррият нашидаларига, илм шуъаларига фарқ бўлган бу дилбар кунларда республикамизнинг турли бурчакларида жойлашган мактабларга ташриф буюриб, бу ерда кечаётган ўқув жараёнлари билан қизиқдим. Менинг илк суҳбатдошим **Бухоро вилояти, Жондор туманидаги, 20-ўрта мактабнинг директори Сувор Ҳасанов бўлдилар**

-Домла айтинг-чи, айнан сиз бошқараётган мактаб жамоаси учун ана шу 2000 ўқув йили аввалги ўқув йилларидан нимаси билан фарқ қилди?

-Ҳар бир янги ўқув йилининг ўзига хос ҳаяжонлари ва ҳайратлари бўлади. Лекин менимча бу янги ўқув йили айнан бизнинг мактабимизда ўзига хос кўтаринки кайфият билан кутиб олинди. Чунки мактабимизнинг шу йилги битирувчиларидан 25 киши олий ва ўрта махсус ўқув юртига талабалikka қабул қилинди. Бу ҳар бир келгуси битирувчиларнинг ўз билимига бўлган ишончини яна бир карра мустаҳкамлади. Айниқса 8-“Б” синф ўқувчиси Нўмонжон Меҳмонов, 2-“Б” синф ўқувчиси Дилнавоз Меҳмоновларнинг ўтган йили айнан сизларнинг газеталарингизда босилган шахсий ижодларидан намуналар ҳар бир тенгдошларининг қалбида чексиз ҳавас ва эҳтиром туйғуларини уйғотди. Ютуқларимиз ўзимизники, энди камчиликларимизга тўхталадиган бўлсак, ўша-ўша таълим-тарбияга оид камчиликлар анчагина. Баъзи бир ўқитувчиларимизда ўз устида ишлашга бўлган иштиёқ қайсидир бир маънода етишмаётгандай туюлади менинг назаримда, ўқув қуролилари, замонавий жиҳозланган синфхоналари, компьютерга бўлган эҳтиёжларимиз тўлалигича қондирилмаётгани ишларимиз ривожига тўсиқ бўлаяпти.

Тошкент шаҳар, Миробод туманидаги Муқимий номи 154-мактабнинг директори Каримбосва Гулчехра Тиллаева:

-Гулчехра опа, мана сиз шу мак-

табнинг директори ва яна қолаверса она тили ва адабиёт ўқитувчиси.

Айтинг-чи, айнан шу 2000 йил янги ўқув йилида мактабнингизда қандай алоҳида бир ўзгаришлар содир бўлди?

-Бу йилги ўзгаришлар ҳақида тўхта-лар эканман, бир нарсани, 1999 йил

БИРИНЧИ ҚУШҚИРОҚДАН КЕЙИНГИНИ СУҲБАТ

Мактабнинг собиқ ўқувчиси, ватан посбони Раҳимжон Тўлаганов номидаги болалар уюшмасининг ташкил қилиниши ҳар бир ўқувчимизнинг қалбида ватанга бўлган беқиёс меҳрни яна бир бор юксалтирганлигини айтмасдан бошқа ўзгаришларга ўтолмайман.

4-махсус синфда ўқиётган Жавоҳир Эргашевнинг Юртбошимизга



йўллаган мактубидан айрим сатрларни эътиборингизга ҳавола қилсам. 4-синф ўқувчисининг юрагидаги энг гўзал хислатлар, ватанга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатлар сизни асло бепарқ қолдирмайди, деган умиддаман. Мана, мактуб сатрларини тинглаб кўринг-а:

“Азиз бобожонимиз, биламан, сиз ёшларни ва ҳамма-ҳамма болаларни жудаям-жудаям яхши кўрасиз. Шунинг учун ҳам юртимизнинг тинчлигини сақлашга астойдил урунасиз. Чунки юртимизнинг тинчлиги, бу бизнинг тинчлигимиздир. Мана мен инглиз тилини яхши биламан, яхши кўшиқлар айтаман. Укам Жаҳонгир иккаламиз ёз ойларида бобомникига Қорақўлга бориб, бобомдан тadbиркорлик ишларини ўрганамиз. Чунки менинг бобом Искандар Тожиев Қорақўлнинг энг зўр тadbиркорларидан

бири бўладилар. Бобом айтдиларки, агар мен ва укам Жаҳонгир, жианларим Зебо, Гулнисо, Русланбек ҳаммамиз зўр бўлсак, Ўзбекистонимиз келажаги ҳам зўр бўлар экан. Истиқлолимизнинг истиқболи ҳам абадий бўлар экан. Ва яна бобожоним

менга айтдиларки, ватан ҳақида кўшиқ куйлашдан аввал Ватанни ўша кўшиқдан ҳам кучлироқ сева билмоқ керак экан. Ва яна дунёнинг гўзал кўшиқлари энг аввало Ватан меҳридан бошланар экан. Шунинг учун ҳам мен насиб бўлса, катта бўлсам ўзимнинг махсус кўшиқчилик филармонияни ташкил қилмоқчиман. Ва у ердан энг аввало ватанни тараннум этгучи кўшиқлар тўпламини яратмоқчиман.

Азиз бобожонимиз, сиз бизнинг хотиржамлигимиз учун, бахтиёр келажакимиз учун ҳам доимо соғ-омон бўлишингиз керак. Чунки биз сизни яхши кўраимиз. Ва мен ишонаманки, бизнинг меҳримиз сизни, юртимизни ҳамма ёмонликлардан асраб қолади”.

Мана, Жавоҳирнинг ҳаммамизни ҳаяжонга солган мактубидан сатрлар. Мен бу мактубни бу ерда изоҳлаш фикридан йироқман. Лекин айнан мактабимизнинг 4-махсус синфида таълим олаётган Жавоҳирдай дадил, ўз фикри ва мулоҳазасига эга бўлган ўқувчиларнинг борлиги мени қувонтиради. Чунки умримнинг 33-йилини шу мактабнинг камолотига бағишлаганман.

-Гулчехра опа, муаммоларга ҳам тўхталиб ўтсангиз?

-Бизнинг энг асосий муаммомиз бу инглиз тилидан ўқитувчиларнинг етишмаслиги ва айти чоғда ўша ўқитувчиларни бизга етказиб бериш масъулиятини олган ташкилотларнинг бепарқлигидадир. Мактабимиз географик жиҳатдан шаҳар марказидан анча олисда жойлашганлиги учун биз махсус қидириб топган ўқитувчилар ҳам ўқувчиларимизни жудаям тез ташлаб кетмоқдалар. Қанийди, бизнинг ана шу муаммомиз талаб да-

ражасида қондирилса, биз учун нур устига аъло нур бўларди.

Қаҳрамон Музаффаров, Бухоро вилояти, Жондор туманидаги 19-санаторий интернат мактабнинг директори.

-Мен айнан шу суҳбатимизда камчиликлар ҳақида айтмоқчи эмасман. Агар ўрин ажратишингизни лозим топсаларингиз, бу ҳақда газеталарингизга чиқиш қилсам. Нима дедингиз.

-Майли домла, ҳозир ҳар бир шахсга ўз эркинликлари доирасида фаолият юритиш ҳуқуқи берилганлигини ҳисобга олсак, бу ёғи сизнинг хоҳишингиз.

Бизнинг мактабимизда ҳам бутун аҳли миллатга кўз-кўз қилса арзийдиган иқтидорли ўқувчилар талайгина. Шундай ўқувчиларимиздан бири 7-синф ўқувчиси Рустам Раҳмон ўғлининг эришаётган ютуқлари, фавқулодда ноёб истеъдоди мендай қаттиққўл кекса педагогни ҳам жуда ҳайрон қолдиради.

Раҳима Мирзаева, Тошкент шаҳар, Хамза туманидаги 307-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси.

-Раҳима опа, мана сиз онасиз. Айтинг-чи, миллатимизнинг бир бедор юраги фарзандларига меҳрибон она сифатида бир гуруҳ ватанфурушларнинг Сариосиёда қилган хиёнаткорона ҳатти-ҳаракатларига муносабатингиз қандай?

-Синглим мен бу гуруҳларга ҳеч қачон жимгина, сокингина муносабат билдира олмайман. Зеро, бу билдиришни муносабат эмас, нафрат деб атасак, ҳақиқатга яқинроқ бўлади. Чунки ўз отаси, ўз онаси, туғишган қондошлари яшаётган, боболарининг ҳоки ётган тупроққа қарши қурол кўтарганлар ҳеч қачон туп қўйиб палак ёзмадилар. Ўғлим Чингизнинг, қўзим Мадинанинг осоишталлигига раҳна солмоқчи бўлганлардан она қалбим рози эмас. Улар тинч ўқиши, ҳунар эгаллаши, юрт ободлиги, кўнгил озодлиги учун эмин-эркин яшаши керак. Ахир ҳар бир бола дунёга нур тилаб, тинчлик тилаб келади-да. Тинчлик йўқ ерда ўсиш- улғайиш йўқ.

Санобар МЕҲМОНОВА суҳбатлашди

«Жозоба» гуруҳининг ташкил топилган тарихини айтиб берсангиз?

Абдуғофир Камолов: -Гуруҳимиз ташкил топганига ҳали кўп бўлмади. Ақром, Рустам ва мен мусиқа мактабида бирга ўқиганмиз ва ўша пайтлардаёқ катта бўлсак бир гуруҳ тузамиз деб ният қилган эдик. Мана ҳозир ниятларимиз амалга ошди ва биз гуруҳимизда ўз фаолиятимизни олиб бораёпмиз. Продюссеримиз Лутфулла ака билан эса бизни Рустам таништирган. Кейинчалик ҳаммамиз бир бўлиб гуруҳимизни «Жозоба» деб атадик. Бизнинг оқибатлигимиз умримизнинг охиригача давом этсин.

Ёшлигингизда қандай бола бўлгансизлар?

Абдуғофир Камолов: -Болаликда шўх бола бўлганман. 4-синфни тамомлаганимдан сўнг мени Гилиёр номи мусиқа мактабига гиччак мутахассислиги бўйича ўқишга беришди. Мен у ерда Абдумажид ака Шоюнусовда таълим олдим. Отам Оловиддин Камолов санъаткор бўлганлари учун ҳам менда санъатга қизиқиш жуда катта эди.

Рустамжон Қодиров: -Мен ҳам болалигимда шўх бола бўлганман. Тошкентдаги 24- мактабнинг 4-синфига ча ўқиб, 5-синфдан худди Абдуғофир ўқиган мусиқа мактабида ўқишни давом эттирдим. Менга у ерда Бахтиёр ака Аминов устозлик қилдилар.

Ақром Собидов: -Ёшлигим мен учун

энг эсда қоларли бўлган. Болалигимда жуда юввош бола бўлганман. 5 ёшимдан бошлаб Элмурод Исломовга шогирдликка борганман. Улар менга доира чалиш сирларини ўргатганлар. Кейинчалик ота-онам менда санъатга бўлган қизиқишимни кўриб мени ҳам мусиқа мактабига ўқишга бердилар.

«ЖОЗОБА» ГРУП БОЛАЛИКТА



Мен бу ерда доира мутахассислиги бўйича таҳсил олдим. Мана ҳозир дўстларим билан ота-онамизнинг, устозларимизнинг дуоларини олиб, халқимиз учун хизмат қилиб келяпмиз.

Холмурод Зайнуллоев: -Болалик

ҳақида гапирар эканман, ўзимни ҳали бола деб ҳис қиламан. Чунки мен гуруҳимизнинг энг кенжатоидирман. Кичкиналимда мўмингина бола бўлганман, ҳозир ҳам. Бу гуруҳга қўшилганимдан жуда хурсандман. Мен айти вақт-

да Ҳамза номидаги мусиқа билим юртида таҳсил олаяпман. «Жозоба» гуруҳининг йигитлари мен учун худди ўз ака-укаларимдек бўлиб қолган. Шу гуруҳда ўз фаолиятимни олиб бораётганимдан жуда хурсандман.

Лутфулла Аллақулов: -Мен болалигимда яхшигина тўпалончи бўлганман, ҳеч ким мени санъат соҳасидан кетади деб ўйламаган, ҳатто ўзим ҳам. Болалигимда фақат футбол ўйнаганимга

ота-онам футболчи бўлади деб, мени спорт мактабига беришган. Лекин кейинчалик менда санъатга бўлган қизиқиш кучайди, яъни санъатга меҳр кўйдим.

«Отажоним» клипини олишга нима сабабчи бўлган?

Лутфулла Аллақулов: -Абдуғофир-

нинг ўзи сабабчи бўлган. Бу клипда Абдуғофирнинг ҳаёти тасвирланиб берилган. Юқорида айтиб ўтилганидек унинг отаси санъаткор бўлган ва Абдуғофир 5 ёшлигида отасидан айрилиб қолган...

Ҳар бир гуруҳ ёки хонада устозларининг оқ фотиҳаларини олиши керак. Сизлар ҳам ўз устозларингиз ҳақида гапириб берсангиз?

Ақромжон Собидов: - Ҳар бир кўшиқларимиздаги камчиликларни айтиб, бизга йўл-йўриғ кўрсатиб турадиган инсон-устоз Азим Муллахоновдир. Улар бизга кўшиқларимизни миллий-эстрада йўналишида айтишни ҳам ўргатганлар. «Қадрдонлик камдан-кам» ҳамда «Отажоним» кўшиқларимиз ушбу йўналишдадир.

Келажакдаги режаларингиз?

Лутфулла Аллақулов: -Яқин орада бизнинг «Кўз тегмасин» номи илк альбомимиз чиқиш арафасида. Шу фурсатдан фойдаланиб альбомимизни чиқаришда ёрдам бераётган «Радио Рекорд» студиясига ўз миннатдорчилигимизни билдираман.

Болажонларга тилақларингиз.

Рустам Қодиров: -Биз «Жозоба» гуруҳи йигитлари номидан барча болажонларга янги ўқув йилида фақатгина «5» баҳоларга ўқишларини тилаб қоламиз. Чунки «5»чилар ёмон болалар эмас.

Нигора МИРЗАМУҲАМЕДОВА суҳбатлашди

ҚИБРАЙЛАР ВАРДЕРҚИЛЛАР

Биз истеъдолли, фидойи болаларимиз, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиш учун қанот беришимиз керак.

БИРИНЧИ ТАНИШУВ

Болажонлар, биласизларми, мен сизга ким тўғри-сида ҳикоя қилмоқчиман? Бир ажойиб қизалоқ ҳақида! У ким экан, дейсизми? Бу - ҳам аълочи, ҳам суҳандон, ҳам раққоса! Ана шунақа! Ҳм-м...

Биз Динора билан Ўзбекистон радиосининг маориф ва маърифат эшиттиришлари бош муҳаррирининг ёзув студияларидан бирида учрашиб қолдик. Ўша куни мени ёзги мавсумда дам олган болалар, дам олиш масканлари ҳақида сўзлаб бериш учун эшиттиришга таклиф қилишганди.

Вой-буй, бу ерда сиз каби қиз ва ўғил болалар кўплигини! Улар шу куни ёзиладиган эшиттиришларда суҳандонлик қилишар экан. Юриши ҳам, туриши ҳам чиройли болалар!

Сиз "Келажак тонгги" студиясининг "Кичкинтой-ширинтой", "Хўроқанд" эшиттиришларини тинглаб борсангиз керак? Ёш суҳандонлар ана шу эшиттиришларга овоз беришар экан. Ҳақиқий артист!

Ҳаммамиз ёзув хонасига жамул-жам бўлдик. Чунки ҳозир эшиттириш "бошланади" - микрофонни улашади. Бир пайт денг, эшиттириш муҳаррири Халимаҳон опа Муҳамедова: - Анави қизимизни Зулфия номидаги мукофотга тавсия этишди! - деб қолди. Ўғирилиб орқамга қарадим. Кўзим қорачадан келган, ширингина қизалоққа тушди - "Шу қизми?"

- Ҳа.
- Исминг нима қизим?
- Динора.
- Фамилиянг-чи? Қайси мактабда ўқийсан?
- Фамилиям - Юсупова! - Бийронлик билан жавоб берди Динора. - Қибрайдаги Шароф Рашидов номли 1-мактабнинг 6 - "Б" синфида ўқийман.
- Ким сенинг номзодингни тавсия қилди? - дейман қизиқувчанлик билан.
- Фурқат маҳалласи фуқаролар йиғини.
- Қайси ишларинг учун?
- Мен у ерда ўтказиладиган ҳар бир маросимда фаол иштирок этаман, рақсга тушаман. Шу учун бўлса керак-да!

Шу пайт овоз созловчиси бизга мурожаат қилиб қолди: - Диққат, ёзув!

ДИНОРАНИНГ

ИККИНЧИ «КАСБ» И

- Яхшигина рақсга ҳам тушар экансан. Шу туфайли номзодингни мукофотга тавсия этишибди. Айт-чи, ҳам суҳандонлик қилиш, ҳам рақсга тушиш қийнаб қўймайдими? Бу ёқда яна - ўқиш... Қандай улгураган? Айтганча, ўқишларинг қалай?

- Яхши.
- Яхшими ёки аъломи?
- Яхши!
- "3" ми ёки "4" ми? - дейман ҳазиллашиб.
- Йўқ-э: "4" ва "5"!
- Қайси фанга кўпроқ қизиқасан?
- Адабиётга, бу фандан берилган шеърларни ҳар доим ифодали ёдлаб келишга ҳаракат қиламан.
- Қани ёдлаганларингдан бир эслаб кўрчи, - дейман ўсмоқчилаб.
- Улар, асосан - ғазаллар. Навоий ғазалларини яхши кўраман. Кейин - Абдулла Орипов шеърларини.
- Айтиб бер-чи?
- Динора бироз ўйланиб турди-да, жилмайиб қўйди. (Эслади!)

**Юртим, сенга шеър битдим бу кун,
Қиёснинг топмадим асло.
Шоирлар бор ўз юртин бутун,
Олам ичра атаган танҳо.
Улар шеъри учди кўл йироқ,
Қанотда кумуш дийри.
Шундай юрт бор дунёда, бироқ,
Битилмаган дostonдир бори.
Фақат ожиз қаламим маним,
Ўзбекистон - Ватаним маним.**



Динора бармоқларини букиб санай бошлади.

Ислом КАРИМОВ.

- Яша, қизим! Бу, Абдулла аканинг қайси шеърдан олинган?
- Ҳм-м... Ҳозир айтаман. Ҳаҳ, нима эди? Ҳа! "Ўзбекистон" шеърдан!
- "Ўзбекистон" қасидасидан, тўғрими?
- Ҳа-да!
Энди биз хаёлан Динораларнинг уйига "кириб" бора-

- Динора, шунча хунарларни эгаллабсан. Уй ишларига ҳам қарашиб турасанми?

- Албатта-да. Ахир хонадонимизда биттаю-биттаман. Бу ишлар қиз боланинг вазифаси-ку! Ўқишдан бориб уйларни йиғиштираман, супуриб-сидираман, кейин дарс тайёрлашга ўтираман. Эртанги кунга ҳеч нарса эсимдан чиқмаслиги учун ҳамма нарсамни тайёрлаб қўяман. Унчага кеч кириб қолади, аям ишдан келадилар. Аям келгунларигача овқат қилиб, дастурхонни тахт қилиб қўяман.

- Наҳотки! Бир ўзинг-а?
- Укам Жамшид ёрдамлашади.

- Қандай таомларни пиширишни биласан.

Динора бармоқларини букиб санай бошлади.

- Картошқа қовуришни биламан, хўрда пиширишни, салат қилишни... яна, куймоқ пиширишни биламан.

- Кам-ку? - дейман синовчан.

- Ҳозирча кам-да. Лекин ҳаммасини ўрганиб оламан! Шунга ҳаракат қиламан. Ҳали айтдим-ку, уйда энг каттаси ўзимман, деб! Аямга ёрдам беришим керак.

- Жамшид укам бор, дединг. У қаерда ўқийди?
- Мен билан бирга - шу мактабда, битта синфда ўқийди.

- Қанақасига битта синфда? - дедим ҳайрон бўлиб, - ахир, у кичкина-ку!
Динора шошмасдан тушунтира бошлади:

- У мусиқага қизиқади. Хонанда бўлмоқчи. Шунинг учун ҳам Успенский номидаги мусиқа мактабда ўқиганида битта синфга "сакраш" қилган. Бу ерга келиб бизни синфда ўқишни давом эттирапти.

- Ҳа-а, шунақа демайсанми?

ЁНҒОҚ МАҒЗИНИ ТАЙЁРЛАШ ҚОНИ ҚОҲИДА

Мен иқтисодий гимназияга уйдан велосипедда қатнаб ўқийман. Дардан сўнг уй вазифаларини бажариб бўлиб, бўш вақтимда ёнғоқни чақиб, мағиз тайёрлаш билан шуғулланаман. Бу иш ускуна талаб қилмайди. Ёнғоқнинг мағзини бутун чақиб олиш учун уни сувда ивитиб, қури-тиб кейин чақиш керак. Бу фаолиятни бошлаш учун менга 36 минг сўм бошланғич капитал керак бўлди. Шу йилнинг бошида менда ёнғоқ бор эди. Уни мен 1 ки-36000 сўмга харид қилганман. сувда салгина ивитиб, кейин са, қаттиқ пўчоқ ажралиб, ёнғоқдан 50 фоиз мағиз чи-800 сўм туради. 50 ки-сўмдан сотиб, 40 зордан ушбу мабла-қилдим. Ундан 57 кг. ойи муносабати би-ошиб кетди. Мен ҳар минг сўмга сотдим. Шундай қилиб, бу ишни ҳозиргача давом эттираяпман. Ҳозирги кунга келиб 260000 сўм даромад қилиб, 26000 соф фойда олдим. Энди солиқлар масаласига келсам, мен мактаб ўқувчиси бўлганим учун даромад солиғи тўламайман. Бозорга олиб бориб сотиш ва харид қилиш ишларида дадам ва акамлар кўмаклашади. Йўл ҳаққига кетадиган ҳаражатлар сотиладиган ёнғоқнинг маблағидан чиқариб ташланади.



Мен маблағни оиладан олдим. 100 килограмм чақилмаган лограммини 360 сўмдан жами Ёнғоқни қозонга солиб, илиқ болгача билан аста-аста урил-фақат мағзи қолади. Яхши қади. 1 килограмм мағиз лограмм мағизни 800 минг сўм олдим. Яна бо-гимга 114 кг. ёнғоқ харид мағиз чиқди. Рамазон лан мағизнинг нархи ҳам килосини 1000 сўмдан 57

Умиджон ХОЛДОРОВ,
Фаргона вилояти, Бағдод туманидаги иқтисодий гимназиянинг 7-синф ўқувчиси.

Бугуннинг боласи

ВОЙ, ҚАҚАЖОН ЖИЯНИМ-ЭЙ!

Ўша куни мен Динора Юсупова билан яна бир бор учрашишни кўнглимга тугиб қўйдим. Газетамиз бош муҳарриридан Динора ҳақида мақола ёзишга ижозат сўрадим. Розилик билдиришди. Бордим.

Динора билан яна учрашдик. Уни топишимизга мактабнинг жонкуяр ташкилотчиси Гулчехрахон Абдуллаева ёрдам бердилар. Аммо-лекин у кишига тан бердим. Ўқувчиларини беш қўлдек билишар экан!

- Ассалому алайкум!
- Эй, ваалайкум ассалом! Динора, қалайсан?
Иккимиз худди эски қадронлардек ҳол-аҳвол сўрашдик.

- Динора, радиода суҳандонлик қилгани қийна-либ қолмайсанми? Шунча йўл босиб, қатнашнинг ўзи бўладими? Автобус, метро... Анча узоқ-ку!

- Икки йил бўлди қатнаётганимга. Ҳеч ҳам қийнаганим йўқ. Ўзим жуда ҳам қизиқаман-да!

- Суҳандонлика бўлган қизиқишинг яхши, албатта. Айт-чи, бу "касб"ни эгаллашингда ким ёрдам берган?

- Боғчадалигимда кўлимга газета олиб ўзимча чу-гурлар эканман. Худди телевизордаги суҳандонларга ўхшаб!.. Кейинчалик ҳам бу қизиқишим сусайма-ди. Бир куни радиода овоз созловчи бўлиб ишлай-диган Васила холам уйга келиб қолдилар. "Вой қақажон жияним-эй! Бунингиз диктор бўлмоқчи шекилли, ака!" Шу бўлди-ю мен болалар учун тай-ёрланадиган эшиттиришларга суҳандон бўлиб қолдим.

- Ҳа, орзуга айб йўқ, дейишади. Омадингни бер-син, қизим!

Бўлғусев зобит

Шу пайт мактаб ташкилотчиси хонасига қорача-дан келган болакай кириб келди. Сездим: укаси!

- Киравер, Жамшид! - дедим жилмайиб. - Опанг-дан хавотир олибсан-да, оббо "қўриқчи"-эй!

- Ассалому алайкум... - деди у менга синовчан назар ташлаб. Лекин, сал ўтмай нима мақсадда ва қаер-дан келганимни билиб, ўзгарди - биз тил топишиб кетдик.

- Жамшид, хонандалик ҳам керакли касб, - де-дим унга. - Мусиқадан ўқишни давом эттираясан-ми?

- Ҳа. Уйимиз ёнида жойлашган Ойбек номли 2-мактабда пионирдан сольфеджо усули бўйича Лут-фия Саидовнадан сабоқ олаяпман.

- Опангга жа-а меҳрибон экансан-а?
Жамшид бош силкиб қўйди.

- Қайси кўшиқларни биласан?

- "Соғлом авлод", "Туркистон", "Амир Темур авлодимиз" кўшиқларини.

- Учинчиси ҳарбий кўшиқ шекилли?
- Ҳа, дадам ўргатганлар. У киши зобитлар.

- Аянг-чи?

- Аям ҳам дадам билан бирга хиз-мат қиладилар.

- Келажакда ким бўлмоқчисан?
- Дадамдек зобит бўлмоқчиман. Че-гарани қўриқлайман!

- Эй, баракалла! Динора деган қизим ким бўлмоқчи? - дейман опасига қараб. Динора бир хўрсиниб қўйди: "Қай-си бирини айтсам экан?"

- Менинг орзуим 3 та! Биттаси - су-ҳандонлик, иккинчиси - раққосалик, учинчиси - шифокор бўлиб, одамларга хизмат қилиш!

- Биласанми, Динора, - дейман. - Сенга битта я-яхши маслаҳат берай-ми?

- Майли...


- Сен тиббиёт илмгоҳига кирсанг, кейин тиббиёт ҳақидаги эшиттириш ва кўрсатувларни олиб борсанг ва... ши-фохонангдаги маросимларда рақсга тушсанг - қалай бўлади?

- Яхши бўлади, раҳмат!

Ҳа, бу опа-укалар юртбошимиз айт-ганларидек, истеъдолли, Ватан иши учун, халқ иши учун фидойи болалар!

Илоҳим, уларнинг эзгу-ниятлари ушалсин! Ҳозирча улар - "темирқанот" - ота-оналари гамхўрлигида парвозга шайланмоқдалар. Интилишлари қатъ-ий. Улар - билимдон ва тиришқоқ! Биз ҳам уларга ўхшасак қанийди!..

Собир ЖАББОР.



BUVAJONIM

Uyimizning to'ri edingiz,
Qalbimizning qo'ri edingiz,
Baxtimiz sururi edingiz,
Buvajonim, yo'qsiz bugun.

Tokchada turar Qur'on,
Yonida suratingiz hamon,
Mixda osig'lik chakmon,
Buvajonim, yo'qsiz bugun.

Bizni opichib boqqan,
Non o'rniga novvot bergan,
Suv o'rniga sharbat tutgan,
Buvajonim, yo'qsiz bugun.

Urush zarbini tortgan,
Urushdan omon qaytgan,
Tinchlikka hissa qo'shgan,
Buvajonim, yo'qsiz bugun.

Yetim boshin silagan,
Yomonni ezguga boshlagan,
Onalarni ulug'lagan,
Buvajonim, yo'qsiz bugun.

Yurtga ovozi ketgan,
Qorilikdan tanilgan,
Masjidda imomlik qilgan,
Buvajonim, yo'qsiz bugun.

Do'sti yo'qqa do'st bo'lgan,
Shogirdga ustoz bo'lgan,
Suyukli buvajonimiz bo'lgan,
Buvajonim, yo'qsiz bugun.

Hadislardan o'qitgan,
Nasihatlarni bitgan,
Nomozga polvon bo'lgan,
Buvajonim, yo'qsiz bugun.

Sakkiz farzand o'stirgan,
Qirgiz nabira ko'rgan,
Ellik evarali bo'lgan,
Buvajonim, yo'qsiz bugun.

Mehri tugamas bir kon,
Ko'ngli duoga makon,
Egnida oppoq chakmon,
Buvajonim, yo'qsiz bugun.



She'rmi, baytmi bitsam gar,
Peshonamdand silagan,
O'qib oq yo'l tilagan,
Buvajonim, yo'qsiz bugun.

Muqaddam qalamingiz bilan,
Bu tong sizni yod etdim,
Sha'ningizga she'r bitsam,
Buvajonim, yo'qsiz bugun.

Ruhingizni shod etgali,
Har dam sizni eslarmiz,
Sog'inch hissi kuchaysa,
Bo'ta kabi bo'z'larmiz.

Dildan yolg'iz bir tilak,
Joyingiz jannat bo'lsin,
Yurtdagi bor keksalar
Tinchlikka tirgak bo'lsin.

**Adolat G'AYRATJON qizi,
Mirsoat QORI nabirasi.
Toshkent shahri
203 -maktab bitiruvchisi.**



**Ўзбекистон
болалари ва
ўсмирларининг
газетаси**

Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ
ҚЎМИТАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ
ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ,
«СОҒЛОМ АВЛОД
УЧУН» ХАЙРИЯ
ЖАМФАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР:

Умида АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

- Шухрат АҲМЕДОВ,
- Йулдош САИДЖОНОВ,
- Ойниса МУСУРМОНОВА,
- Хотам АБДУРАИМОВ,
- Мукаррама МУРОДОВА,
- Суннатилла ҚЎЗИЕВ,
- Эргашвой САРИҚОВ.

Ношир
«Ijod dunyosi»
нашриёт уйи

Ижарадаги Тошкент
Матбаа комбинатида офсет
усулида 39092 нусхада
босилди. Ҳажми 2 босма
табоқ.
Буюртма - К-8286
Газетани
Муҳаббат МАҲСУДОВА
саҳифалади.
Навбатчи:
**Муҳаррама
ПИРМАТОВА**

Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
Манзилимиз 700129,
Тошкент шаҳри, Навоий
кўчаси, 30-уй.

Тел: 144-62-34.

-Buvijon, armon degani nima o'zi?
Buvim sakkiz qavat ko'rpachada emas, o'zlari duxoba, atlas, satindan quroq-quroq qilib tikkan ko'rpachada o'tirib meni yonlariga chaqirib, - tili biyron bolam-a, deb suydilar-da, armon haqida chuqur o'ylar tolib gapirdilar.

-Qo'limdan ketgan yaxshi kunim - armon, ko'ksim tog'i bo'lgan otamga qilolmay qolgan yaxshiligim - armon. Ha, ota-onaning nasihatlarini olmasdan so'ngra afsuslanish -yomon armon.

-Buvijon yig'lamang! Buvim ko'zlaridan oqqan duv-duv issiqqina ko'z yoshlarini to'xtata olmasdilar. Men esa armonni oddiygina so'z ekan-da, deb yurganim uchun o'zimni koyir edim. O'zim ham buvimga qo'shilib yig'lardim.

-Iye,- dedilar buvim, yig'layotganimni ko'rib. Sening savolingga javob bersam-u, yig'lashingni qara. Bola-chaqam debman-u, otam holidan xabar olish xayolimdan ko'tarilibdi. Ba'zan ota-onam oldilariga borganimda esa xuddi chumchuqdek pir etib uchib borib kelibman. O'sha kunlarda otam men bilan suhbatlashgisi, tillari biyron farzandini ko'rgisi kelgan ekan. Shuni o'ylab, donishmandlarning har bir gapi aynan hayotdan olinganligiga iqrorga bo'ldim: «bolam bolasini desa,

men bolamni deyman!»
Otam sho'rlik sakkiz farzandini atrofiga to'plamoqchi bo'lib, bizlar bilan vidolashmoqchi bo'lgan

ARMON

ekanlar-u barchamiz o'zimizdan ortmabmiz.

Mana bular esa men uchun katta armondir.

-G'ariblik nima- buvijon?

-G'ariblikmi, bolasi bilan ovora bo'lib ketib, ota-onani yolg'izlatib qo'yish, uning holidan xabar olmaslik - bolam.

Bir o'g'il bor ekan. U o'z mehribonlaridan ko'ra begonalarga shirinso'z ekan. Hatto otasini ham har zamonda ko'rgani kelsayam, yo eshikdan, yo teshikdan qaytar ekan. Vaqti kelib otasi olamdan o'tibdi. Ammo buni bilib yurgan onasi unga: «Otang sendan tili rozi, dili norozi bo'lib ketdi», -debdi...

Shuning uchun bolalarim, bo'yingiz past bo'lsa ham ota-ona degan buyuk nom oldida

dimog'ingizni tomga qo'yib gapirmang...- deb buvim she'r o'qib berdilar.

Qars etib sinsa ko'ngil,
Ko'ngil endi bo'lmas gul.
Topgani endi armon,
Turgani endi armon.

Men armon alamlarini bolalik mehrim bilan eshitar ekanman, otana topilmas buyuk baxt ekanligiga ming bora ishondim.

Bizni deb ishlab, yelib-yugurgan ota-onamni har kungidan ko'ra bugun uyga tezroq qaytishlarini orziqib kutdim.

**Xurshida BOYMIRZAYEVA,
Toshkentdagi 248-maktabning
7-sinf o'quvchisi.**




**ЎТГАН СОНДАГИ
“БОШҚОТИРМА”НИНГ
ЖАВОБИ:**

- БЎЙИГА:** 1. Баҳор. 2. Кишмиш. 3. Саккиз. 4. Карам. 6. «Тафаккур». 8. Тарнов. 9. Коптоқ. 13. Полковник. 14. Гостроном. 16. Мукофот. 17. Агроном. 23. Ширгуруч. 23. Дорбоз. 25. Лағмон. 28. «Даҳшат». 29. Бодрок. 30. Гилам. 32. Билак.
- ЭНИГА:** 5. Каптур. 7. Карнай. 10. Тарок. 11. Палов. 12. Сирпанчиқ. 15. Посбон. 18. Дазмол. 19. Супурги. 20. Китобхон. 21. Тоғорақ. 24. Помидор. 26. Бошлиқ. 27. Вокзал. 31. Мажнунтол. 33. Лочин. 34. Лимон. 35. Калхат. 36. Компас.



Азиз муштарий! Шаклга аввало берилган ҳарфлар асосида олти тита сўз ва номларни тўлиқ ёзинг. Сўнг уларни таърифлаш билан машқни ҳал этинг.



Фозилжон ОРИПОВ тузди